WISE RESOLVERE
АУДИТОРСКАЯ КОМПАНИЯ

Адрес: город Ташкент, Яккасарайский район,
улица Шота Руставели, 150
ИНН: 310 049 154, р/с: 2020 8000 2055 9188 8001,
"ДАВР БАНК" ЧАКБ Учтепинский ф-л, МФО: 01086
Телефон: +998 99 402 00 11
e-mail: info@wiseresolvere.uz

№ 2024-9
21 май 2024й

«KOSONSOY PAXTA TOZALASH»
АЖ раҳбарига

ИЖОБИЙ АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ

ТАШКИЛОТ РЕКВИЗИТЛАРИ:

Ташкилот номи	***“KOSONSOY PAXTA TOZALASH”*** ***Акциядорлик жамияти***
Почта манзили:	Наманган вилояти, Косонсой тумани, Гўрмирон, 78
Рўйхатдан ўтиш маълумотлари:	3352-сонли 27.07.2016й
Банк ва башқа реквизитлар:	*ҳ/р: 20210000800370807001* *Банк: АТБ "АГРОБАНК"* Косонсой *филиали* *МФО: 00234,* СТИР: 200 074 433
Бош директор в.б.:	*М. Халимов*

АУДИТОРЛИК ТАШКИЛОТИ РЕКВИЗИТЛАРИ:

Аудиторлик ташкилоти номи	***“WISE RESOLVERE”*** ***Масъулияти чекланган жамияти***
Почта манзили:	*Тошкент ш, Яккасарой тумани, Шота Руставели кўчаси, 150-уй* *Тел:(99) 402-00-11, эл. почта: info@wiseresolvere.uz*
Рўйхатдан ўтиш маълумотлари:	*28.11.2022 й., №2024985 Адлия Вазирлиги томонидан*
Банк ва башқа реквизитлар:	*ҳ/р: 2020 8000 2055 9188 8001,* *"ДАВР БАНК" ХАТБ Учтепа филиали,* *МФО: 01086,* СТИР: *310 049 154*
Директор	*Б. Махмудов* *малака сертификати № 06116, 20.11.2022й*

Мен “WISE RESOLVERE” МЧЖ Аудиторлик ташкилотининг аудитори MAXMUDOV BOBUR HAMROQUL O’G’LI (малака сертификати № 06116 20.11.2022й) томонидан хўжалик юритувчи субъект «**KOSONSOY PAXTA TOZALASH**» **АЖ** нинг 01.01.2023-31.12.2023-йиллар учун Бухгалтерия баланси (1-шакл) ва Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот (2-шакл) молиявий ҳисоботларининг ишончлилигини аудиторлик текширувидан ўтказдим.

Хўжалик юритувчи субъект раҳбариятининг жавобгарлиги

Хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ молиявий ҳисоботнинг тайёрланиши ва ҳаққонийлиги, ҳамда ички назорат тизими учун жавобгардир.

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги ўтказилган аудиторлик текширувига асосан ушбу молиявий ҳисобот юзасидан фикр билдиришдан иборат. Биз «**KOSONSOY PAXTA TOZALASH**» **АЖ** илова қилинган молиявий ҳисоботини аудиторлик текширувидан ўтказдик. Аудиторлик текшируви молиявий ҳисобот ва бошқа молиявий ахборотлар барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги ва ҳаққонийлигини баҳолашдан иборат.

Биз аудиторлик текширувини Аудиторлик фаолиятининг халқаро стандартларига мувофиқ ўтказдик. Ушбу стандартлар молиявий ҳисобот жиддий бузиб кўрсатишларга эга эмаслигига етарли даражадаги ишончга эга бўлишни таъминловчи аудиторлик текширувини режалаштиришни ва ўтказишни тақозо этади.

Аудиторлик текшируви аудиторлик далилларини олишга йўналтирилган аудиторлик амалларини ўтказишни ўз ичига олади. Аудиторлик амалларини танлаш бизнинг мулоҳазамизнинг предмети ҳисобланади. Аудиторлик текшируви давомида олинган аудиторлик далиллари молиявий ҳисоботнинг ишончлилиги тўғрисида фикр билдириш учун етарлича асос бўлади. Бизнинг фикримизча, махсус қисмда қайд этилган ижобий фикр билдириш учун асос бўладиган вазиятлар натижасида, бизда аудиторлик ташкилоти фикрини ифодалаш учун асосларни таъминловчи етарлича аудиторлик далиллари мавжуд.

Ижобий фикр билдириш учун асос

Аудиторлик текшируви натижаларига кўра, биз томондан муҳимлик даражасидан кичик ва ўрта бўлган моддий хато ва камчиликларни аниқланди, аудиторлик текширувида аниқланган хатолар муҳимлик даражасини ўртача деб ҳисоблаш мумкин.

Ижобий фикр

Бизнинг фикримизча Ижобий фикр билдириш учун асос бўладиган қайд этилган вазиятларнинг муҳимлилиги натижасида «**KOSONSOY PAXTA TOZALASH**» **АЖ** 01.01.2023-31.12.2023-йиллар учун тузилган молиявий ҳисоботлари муҳимлилик жиҳатлари бўйича унинг молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини ва молиявий ҳолатини ҳаққоний акс эттиради.

«WISE RESOLVERE» МЧЖ
Аудиторлик ташкилоти
Директори **Б.Х. Махмудов**

Хулоса 21.05.2024-йилда тузилди.